



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2009 йил
15 август
ШАНБА
№ 65
(12.181)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz



Сирдарё вилоятида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида ёнимда ўтирган бир онахон ҳаяжон билан шундай деган эди:

— Қандай дорилмон кунларда яшапмиз-а, қизим. Ёшлигимизда бундай шароитларни, ҳатто, ҳаёлга ҳам келтира олмадик. Ўғил-қизларимиз учун кўрсатилаётган ҳам-хўрликлардан қувончим ичимга сиғмаяпти. Эҳ, эсизгина 80 йил барвақт туғилиб қолибман-да. Қанийди, ёшлигим қайтиб қолсаю, эл-юртга меҳр-муҳаббатим, шу кунлардан туюётган завқ-шавқимни ёшларга хос жўшқинлик билан ошкор этсам...

ИЛҲОМ МАНБАИ ЎЗИНГСАН — ВАТАН!



Бу фикрлар, нафақат, 80 ёшли онахоннинг, балки кўпгина юртдошларимизнинг қалб кўридан чиқиб-ган дил сўзларидир. Ҳақиқатдан ҳам бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Айни кунларда озод ва обод Ватанимиз ана шундай қалбларни жунбўшга келтирувчи, юракларга фахр-ифтихор тўйгуларини тўлдирувчи тўй-тантаналар, шодиёналар оғушида. Она Ватан мадҳини ҳар ким ўзича ифода этади. Бироқ, адабиёт, санъатга ошўфта кўнгил соҳиблари эса, она юрт тараннуми учун энг сара сўз гавҳарларини танлайди-лар, яратган асарлари билан минглаб кўнгилларга ҳаяжон солади.

Кўп йиллардан бери анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Энг улуг", энг азиз" кўрик-танловий айнан мана шундай иқтидор ва истеъдод эгалларини излаб топиш, уларни юзага чиқариш ҳамда рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Танловнинг айнан Мустақиллик байрами арафасида ўткази-



лаётганлиги бежиз эмас. Кеча вилоят Маънавият ва маърифат марказида танловнинг бу йилги вилоят босқичи қилиб ва соҳибдорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Мустақиллик ҳар биримиз учун энг улуг, энг азиз неъматдир, — деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод


Фуломов. — Бу қадриятни асраб-авайлаш шу юртининг фарзандиман, деган ҳар бир инсоннинг юрак амрига айланмоғи ҳаркор. "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танлови бунёдкорлик жараёнини, одамлар онги ва тафаккурда юз бераётган ижодий ўзгаришларни кенг тараннум этаётган истеъдодли ижодкорларни тақдирлаш мақсадида хизмат қилётганлиги қувонарлидир.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ҳамда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмалари вилоят бўлими томонидан ташкил этилган мазкур байрамолди



лов шартига кўра, вилоят босқичига тақдим этилган ижодий ишлар адабиёт, тасвирий санъат ва журналистика йўналишлари бўйича сараланиб, энг муносиблари танлаб олинди ва тақдирланди.

Ҳаётда бўлаётган ўзгаришларни, эрк ва озодлик навидаларини, кишилар руҳидаги кўтаринкилик, жўшқинлики, улуг бунёдкорлик ишларини ифодалаш ҳамда кенг қўламада ёритиш оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган долзарб вазифа саналади. Ана шу мақсад йўлида тиним билмай иш ҳаёти келаётган "Пискент ҳаёти" газетаси муҳаррири Мамлакат Файзуллаев "Замон ва замани фарзандлари" туркумидаги мақолалари учун биринчи ўринга лойиқ деб топилди. "Озод юртининг жўшқин ҳаёти" туркум ма-



ри" туркумидаги мақолалари билан шундай жиддий танловда қатнашганининг ўзи катта масъулият ҳисобланади. Келгусида ўз устимда янада жиддий ишлаб, танловнинг олий ўринларини эгаллашни мақсад қилдим.

Адабиёт йўналишида зангиоталик Абдусаттор Хотамов биринчи, Тошкент туманидан Темур Убайдулло иккинчи ҳамда бекободлик Ашурали Боймуродов учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Тасвирий санъат, фото ва дизайн йўналишида ҳам энг муносиблар қилиб эълон қилинди. Миниатюра амалии санъати бўйича яратган асарлари учун зангиоталик Файрат Раҳматуллаев биринчи ўринни эгаллаган бўлса, тахрибли дизайн Фаррух Назаровнинг ишлари иккинчи ҳамда чирчилик тасвирий санъат устаси Андрей Гречкининг ижодий иши учинчи ўринга лойиқ топилди.

"Энг улуг, энг азиз" кўрик-танлови ўз номига муносиб танлов. Қувонарлиси, йилдан-йилга унинг савияси ортиб бормоқда. Ўз ўрнида унинг иштирокчилари сафи кенгайиб, танловга нисбатан қизиқиш ҳамда соғлом рақобат муҳити шаклланиб бораётганлиги ахамиятлидир.

Хуришда НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловда ҳақиқий истеъдод

эгалари муносиб тақдирландилар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОРЗУЛАР УШАЛГАН ДАМ

Мана 18 йилдирки, Ватан мустақил, юрт озод. Ахир, бундан ҳам тотли, бундан ҳам муқаддас туйғу бормикан дунёда?! Бугун қурганимиз ҳам, экканимиз ҳам, сотганимиз ҳам ўзимизники. Бир замонлари пахтани тушунмаган кимсалар деҳқонга экишни ўргатарди. Самарқанд Бухоронинг дунёни лол қолдирган тарихий обидаларини аслидек қилиб таъмирлаган меъморларга қуришни ўргатгандилар. Энди у сувлар оқиб кетди.

Бугун юртимиз бўйлаб олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ён қўшимчилигини эсимизда, балки узоқ хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтираяпти. Айниқса, пойтахтимизда қисқа фурсатда барпо этилаётган анжуманлар биноси ҳар қандай одамнинг ақлини шошириб қўяди. Бундай иншоотлар вилоятларда ҳам барпо этилаётган. Нафақат бунёдкорлик ишлари, балки бошқа соҳаларда ҳам ўзгариш, янгиланишлар талайгина.

Истиқлол туфайли мамлакатимиз галла мустақиллигига эришди. Бу ҳаммасидан муҳим. Бундан бир ойча аввал, аниқроғи вилоятимизда айни галла ўрми-йиғими бошланганда, Охан туманига бордик.

Айрим фермер хўжалиқлари бирин-кетин давлатга галла топириш режасини бажариши кутиларди. Бундай кезда ҳамманинг қўлоғи динг. Ким биринчи бўлади? Бирдан "Соиб Зухра" фермер хўжалиқи давлатга дон топириш режасини уддалагани ҳақида хўшхабар келди. Ҳокимиятдаги ишларимизни йиғиштириб, галлазорга шошилдик. Ўзқондан қандайдир кўринди. Унга яқинлашдик. Машина шиддат билан галла ўрар, унга юк машинаси эргашиб борарди. "Соиб Зухра" фермер хўжалиқи раҳбари Соиб Охунжоновнинг худди шу ерда, галла ортлган машиналарни кузатганди бир паллада уратдик. Ўзлари офтобдан қорайган фермер билан суҳбатимиз анча қиз-ғин кечди.

— Галла — ризқ-рўзимиз, — деди у қафидаги долларни аста сикимлар экан. — Бир замонлар шу адирларда галла етиштирилди, десалар, ҳеч ким ишонмасди. Мана мен гувоҳман. Юқоридагиларнинг руҳсатисиз бир қарич ҳам ер берилмасди.

У ерга эгилиб, бошқалардан тўқилган долларни бир-бир териб олар экан, гапини давом эттирди: — Асли деҳқон фарзандиман. Ерга эгалик қилиш ота-боболаримнинг ушломас орузи эди. Мана шундай юксак шараф менга насиб қилди. У ҳам бўлса мустақиллик туфайли. Ўтган йил 47 гектар майдонга яхши ниятлар билан уруғ қададим. Ниятга яраша галла ҳам мўл бўлди. Бу-

гуннинг ҳисоби билан давлатга 100 тонна сара дон топширдим. Хуллас, шартномавий режа ортиги билан бажарилди. Ана, ҳали ўрилмаган галлазорларимиз қанча, дея у узоқларда тўқиндек мавҳланиб ётган галлазорларга ишора қилди.

— Бугун астойдил меҳнат қилсанг, бой бўладиган замонда яшапмиз, — дейди заминдор қулимсираб. — Давлатимиз меҳнат қилганга бўлишапти. Фермерга техника маддаси дейишди. Бу тўғри. Хўжалигимизда 5 та техника бор. "Беларус", ДТ — 25, ДТ — 16, "Нива" комбайнимиз оғиримизни енгил қилапти.

— Бу йил туманимизда балиқчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилапти, — дейди туман ҳокими муовини Маҳмуд Абдурахмонов. — 2009 йилда туманимизда 4 та балиқчилик хўжалигини ташкил этишни ният қилганмиз. Бу борада ҳам улоқни Соиб ака олиб кетди. Унинг балиқчилик хўжалиғи анча қаддини ростлаб олди.

— Хўжалигимизда 1,5 гектар кўл бор эди, — дейди фермер. — Ўтган йили ҳафсала қилиб, кўл атрофини тозаладик, сувни чиқиндилардан халос этдик. Насиб қилса, балиқчиликни ҳам ривожлантириш юборамиз. Ҳали кўрасиз, хўжалигимизда балиқчи қайта ишловчи цех ҳам очамиз.

Суҳбатимиз қизиқ, вақт ўтганини сезмай ҳам қолибмиз. Қуёш қизариб адирлар ортига ёнбошлаганда, фермер билан хайрлашдик. Биз бор йўғи Охангара туманидаги битта фермернинг қувончу ташвишларига шेरлик бўлдик. Унинг орзуларининг чеки йўқ. Шижоатига қараганда, шу адирларни ҳам текислаб, галла экишдан тоймайди у. Чунки ер ўзиники-да.

Мустақил диёримизда бундай ўқам, тадбиркор фермерларимиз жуда кўп. Уларнинг уйган галлалари бу йил 6 миллион 650 минг тоннага етди. Ана шундай улкан хирмонда вилоятимиз фермерларининг ҳам ҳиссаси борлиғи бизни қувонтиради. Мустақилликнинг неъматини аслида шу эмасми?

Уллубек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиған ой

Тошкент вилояти деҳқонлари ҳам шу кунларда гўза парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларни янада сифатли амалга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

ҲАР КУННИ ҒАНИМАТ БИЛИБ...

Вилоятдаги 7 минг 300 дан ортиқ фермер хўжалиғи 123 минг гектар майдонда "Наманган-77", "Бухоро-6", "Бухоро-102", "Денон" каби воҳа иқлимга мос, эртапишар гўза навларини парваришламоқда. Гўза чилпишни ўз вақтида якунлаган пахтакорлар ниҳолларни "шарбат" усулида сугориб, озиклантирмоқда.

Август ҳосил етиштиришда, гўзани турли касаллик ва зараркунанда ҳашаротлардан асраш вилоят "Қишлоқ-хўжалиқимиз" ҳудудий акциядорлик жамияти зиммасига катта масъулият юклайди.

— Пахта майдонларини минерал ўғитлар билан озиклантириш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга

оширилмоқда, — дейди Тошкент вилояти "Қишлоқ-хўжалиқимиз" ҳудудий акциядорлик жамияти раҳбари Юсуф Назиронов. — Фермер хўжалиқларига 19 минг тоннадан ортиқ минерал ўғит етказиб берилди.

Айни пайтгача гўзалар уч маротаба барг орқали сусензия эритмаси билан озиклантирилди. Бу ишга 117 отряд ва махсус техника воситалари ҳамда пурақичлар жалб қилинди.

Туманимиз пахтакорлари жорий йилда олти минг гектарга яқин майдонда гўза парваришламоқда, — дейди "Қишлоқ-хўжалиқимиз" ҳудудий акциядорлик жамияти раҳбари Аскар Жамуров. — Айни пайтда туманда 353 фермер хўжалиғи пахта етиштирилади. Пахта ҳосилдорлигини оширишда дефолиация муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун 12 отряд ташкил этилиб, зарур техника воситалари ва препаратлар билан таъминланди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

БАРЧАГА БИРДЕК ЯРАШГАН УДУМ

Озодалик, кўча ва майдонларни ораста сақлаш, ободонлаштириш ҳолқимизнинг азалий одати. Бу удум умумхалқ байрамлари, тўя тантана кезлари, айниқса, ёрқин намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик арафасида ободонлаштириш ва тозалаш ишлари ўтказиш аънавога айланиб бораётганлиги бундан аниқроқ тасдиқланади.

Шаҳар ва қишлоқлар кўркамлашиб, обод бўлиб бораётиб, янги-янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг фармойиши билан 15-16 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари эълон қилинди.

Вилоят ҳокимининг шу хусусдаги фармойиши билан умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил қилишда ушшоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди. "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ва туман ҳокимлиқлари уларни амалга ошириш жараёнида гузарлар ва мазеаларни янада ободонлаштириш, майдон, кўча ва йўлакларни гулзорларга айлантириб, тартибга келтириш, чиқиндилардан тозалашни ташкил этадилар. Кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ишларга фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши идоралари, хусусий уй-жой мулкдорла-

ри ширкатлари, таълим муассасалари, корхона ва бошқа ташкилотлар, айниқса, ёшлар кенг жалб этилади.

Вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари, идоралар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят, шаҳар ва туман бўлими хисоб рақамига ихтиёрий равишда ўтказилади. Бу маблағлар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалга ошириш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бошқа мақсадлар учун сарфланиши кўзда тутилмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлимида маълум қилишларича, ўтган "Навруз" байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган

маблағлар мақсадли равишда ана шу каби хайрий ишларга сарфланди. Хусусан, ўтган вақт мобайнида вилоят ҳудудидаги кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг 52 тасига жағмарма ҳисобидан қорамол олиб берилди. "Меҳрибонлик", "Саховат", "Муруват" муассасалари, Янгийўл шаҳридаги ногиронлар жамиятини таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан бойитиш мақсадида қариб 24 миллион сўм ажратилди. Ёрдан сўраб мурожаат этган 523 фуқаронинг яшаш шароитлари ўрганилган ҳолда, 28,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Келес шаҳридаги "Аҳиллик" ва "Тинчлик" маҳаллаларига 30 миллион сўмлик ёрдам берилди. Шунингдек, қишлоқ, шаҳар ва маҳалла фуқаролар йиғинларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 72 та маҳалла мебель жиҳозлари, 68 та маҳалла компьютер жамланмаси билан таъминланди. Маҳаллаларда болалар спортини ривожлантиришга қўмақлаштириш учун 14,3 миллион сўм ажратилди. Бу каби хайрий ишлар кўлами янада кенгайиши аниқ.

Вилоятдаги барча ташкилот ва идоралар Вазирилар Маҳкамасининг фармойишида қайд этилган мазкур хайрий ташаббусни қўллаб-қувватлаб, ҳашар муносабати билан жамоанинг бир кунлик иш ҳақи микдоридидаги маблағни "Маҳалла" жамғармасининг қўйидаги ҳисоб-рақамига ўтказадилар:

2021000500132942001, МФО 00987, ИНН 200548395. ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент вилояти минтақавий филиали.



Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда "Юртимиз жавоҳирлари" ижодий тадбири бошланди.

«ЮРТИМИЗ ЖАВОҲИРЛАРИ»

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий савияси, онги ва фуқаролик масъулиятини янада ошириш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Юртимиз жавоҳирлари" ижодий тадбирида аҳолига истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий-маърифий соҳада амалга оширилаётган иш-хотларнинг мазмун-моҳияти, миллий тасвирий санъатимиз раванқи йўлидаги эзгу ишлар, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида атрафлича маълумотлар берилди.

Шу мақсадда таниқи му-савирлар, ҳайкалтарошлар, дизайнерлар, санъатшунос

олимлардан иборат ижодий гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ижодий сафарга йўл олди. 25 августга давом этади-анга ушбу тадбир доирасида ижодкорлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар, маънавий-маърифий анжуманлар, бадиий кўргазмалар ўтказилади. Айни пайтда жойларда ижод қилаётган мусавирларнинг қаламига мансуб энг яхши асарларини тўплаш, саралаш ва уларнинг кўргазмаларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Тадбир якунида пойтахтимизда "Обод қишлоқ ҳақида кўшиқ" ҳамда "Бунёдкор замондошим" мавзусида бадиий кўргазмалар ўтказилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

СУГУРТА — ИШОНЧЛИ КАФОЛОТ

Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат сугурта назорати биносига "Сугурта ташкилотлари фаолиятида юзага келадиган низолатлари ҳақидалик судларида ҳал этишнинг хусусиятлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда яратилган қонунчилик базаси ва қулай шарт-шароитлар туфайли, сугурта хизматлари бозори юқори суръатларда ўсиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда сугурта компаниялари раҳбарлари ва ҳуқуқшунослар ҳамда кенг жамоатчилик ҳакамлик судлари имкониятлари билан кенгрок таништирилди.

"Туркистон-пресс".

Президентимиз Илом Каримов та-шаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тад-биркорликни ривож-лантириши рағбат-лантириш ўз самара-ларини бермоқда. Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес компаниялари, фир-малар кўпаймоқда, уларнинг фаолияти кўлами тобора ошмоқ-да.


САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

Кичик бизнес истеъмол-чиларнинг ўзгарувчан та-лабларига тез мослашади. Янги иш ўринларини яра-тиш ва аҳоли даромадини ошириш учун ҳам у гоёт қулай. Бу айниқса, ҳозир-ги жаҳон молиявий-икти-содий инқироzi шароити-да ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатимиздаги кичик ва хусусий компаниялар, фирмаларга берилаётган солиқ ҳамда кредит имти-ёзлари янги турдаги мах-сулотларни ўзлаштириш, ички истеъмол бозорини бундай товарлар билан бойитиш имконини бер-моқда.

Зангиота туманидаги "Tashkent manufacture" хусусий корхонаси мамла-катимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида янги турдаги ювиш ва то-залаш воситалари – суюқ совун, идишларни ювиш учун мўлжалланган гел-лар, "Лимпопо" болалар шампунини ишлаб чиқа-ришни ўзлаштирди. Фир-ма директори Бахром Аҳмаджоновнинг айтиши-ча, қиймати 10 миллион сўмлик янги пресс-форма-лар ва ускуналар кичик ва хусусий компанияларга берилаётган солиқ имти-ёзлари тўғрисида тўғридан-тўғри маблағлар эвазига сотиб олинган.

Корхонада 25 киши меҳнат қилмоқда, махсу-лотга бўлган талаб орта-ни сайин уларнинг даро-мади ҳам кўпаймоқда. Аҳолининг ювиш ва то-залаш воситаларига бўл-ган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, ҳар бир киши ўшбу махсулотларни харид қилиш учун даромадининг қарийб тўрт фоизини сарфлайди. Машиини қиммат воситаларининг замонавий бозори истеъмолчиларга ҳужаликда ишлатиладиган кенг турдаги товарларни таклиф этади.

В. РУДАКОВА,
ЎЗА мухбири.



МЕХР МЕВАСИ

Абдураҳим Муқимов ўз ишини, касбини яхши кўради. Олтимси қирғанига қарамай, ҳамон да-лада. Бугун яна барвақт ишга келди. Чилла су-вуига қонган гўзаларда кўсақлар шигил. Ҳадемай, корхона янги пахта ҳосилини қабул қилишни бош-лайди.

Мавсумга тайёргарлик қиз-гин, иш кўп. Одатда 300 дан зиёд киши ишлайдиган кор-хонада терим мавсумида 700 га яқин киши иш билан таъ-минланади. Бу дегани бугунги юмушлар эрта-ин-дин икки баравар кўпаяди.

Корхона раҳбари Рустам Бозоров кўп йиллик тажри-бага эга А. Муқимов билан бамаслаҳат иш кўради. Чин-дан ҳам, у корхонадаги ҳар бир иш жараёнини беш кўндек биледи. Оқдиди иш-чидан пахта тозалаш корхо-наси директори лавозимига-ча бўлган йўлни катта тажри-ба мактаби деса арзийди. Бир пайтлар ўзи шогирд эди, бугун кўпбашли шогирд-лари бор.

Чиноз пахта тозалаш кор-хонасига биринчи бор ишга келган кўнларини эсласа, кўнгида бир илқик, мам-нулик ҳисси, пайдо бўла-ди. Шундай пайтда уни кор-

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" ет-тинчи халқаро мусиқа фестивали олдидан мат-буот анжумани ўтказилди. Президентимиз та-шаббуси билан 1997 йилдан бери ўтказиб ке-линаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўтган йиллар давомида дунё миқёсида нуфузли санъат анжуманлари қато-ридан жой олди.

Мазкур фестиваль ўз-бек санъатининг довуғи-ни янада юксалтиришда, шунингдек, халқимизни дунё халқлари мусиқаси билан яқиндан таништи-ришда, санъат воситаси-да турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжихатлиги-ни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб келаё-тир.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот восита-лари вакилларига бу йил-ги мусиқа анжумани ҳамда унинг доирасида ўткази-ладиган тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Унга қўра, "Шарқ таро-налари" еттинчи халқаро мусиқа фестивалида дунё-нинг 60 дан зиёд давлати-дан бадий жамоалар, миллий мусиқа ва санъат ижрочилари иштирок этиш истагини билдирган. Бу йилги фестивалда илк бора Мексика ва Коста-Рикадан вакиллар қатна-шади.

Фестивалнинг очилиш

маросимида юртимиздаги кўпбашли бадий жамоалар билан бирга ёш ижрочи-лар ҳам қатнашади. Му-сика ва қўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

– Регистонда ўтадиган тадбир бу муаззам меъмо-рий мажмуанинг салоҳия-ти, мўжизавий қудратига монанд бўлиши керак, – дейди фестивалнинг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Б. Йўлдо-шев. – Бу саҳнага чиқиш-нинг ўзи санъаткорлар учун, айниқса, ёшлар учун катта шараф. Шу боис фе-стиваль очилишида ижро этиладиган ҳар бир му-сика, қўшиқ ва рақс усти-да узоқ ишлашга, ижро-чиларга ўшбу нуфузли анжуман руҳини сингди-ришга ҳаракат қилишимиз. Кўпбашли ижрочи то-рафидан ҳар бир му-сика, қўшиқ ва рақс усти-да узоқ ишлашга, ижро-чиларга ўшбу нуфузли анжуман руҳини сингди-ришга ҳаракат қилишимиз. Кўпбашли ижрочи то-рафидан ҳар бир му-сика, қўшиқ ва рақс усти-да узоқ ишлашга, ижро-чиларга ўшбу нуфузли анжуман руҳини сингди-ришга ҳаракат қилишимиз. Кўпбашли ижрочи то-рафидан ҳар бир му-сика, қўшиқ ва рақс усти-да узоқ ишлашга, ижро-чиларга ўшбу нуфузли анжуман руҳини сингди-ришга ҳаракат қилишимиз.

Анжуман давомида жур-налистлар фестивал бил-дан боғлиқ кўпбашли савол-ларга жавоб олдилар.

Ф. ХАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.



МАКТАБ БОЗОРИГА МАРҲАМАТ

Зангиота туманида таш-кил этилган "Илм-шуъла-си" масъулияти чекланган жамиятининг мактаб бозо-ри ярмаркаси 1 июлдан харидорлар билан гав-жум. У республикада ягона иختисослашган бозор бўлиб, асосан мактаб ан-жомлари, ўқув қуроллари,

дарсликлар билан савдо қилинади.

Бозор ҳудудидаги дўконларда мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлири та-лабалари учун барча зарур ашёлар бор. Шу-нингдек, харидорларга қулайлик яратиш мақса-

дида дўконларга назорат

касса машиналари ўрна-тилган. Харидорлар тур-ли тўловлар юзасидан махсус терминаллар ор-қали ҳисоб-китоби қи-лишлари мумкин. Мактаб ярмаркасидаги махсулот-лар нафақат чет элники, балки ўзимизнинг "Уми-

ров Зоир", "Хикмат" ху-сусий фирмалари, "АРКФ

Лекс", "Осиё Тангер Принт", "Семейка" каби масъулияти чекланган жамиятларда тайёрлан-ган.

Ирода НОРБОВЕВА,
Даврон АХМАД
олган суратлар.

Мароқли таътил онлари тугаб, ўқиш мас-суми бошланишига қаноқли кунлар қолди. Таълим масканига қайтаётган ўқувчилар кўнгида қувонч, тайёргарлик авжида. Улар ўқув анжомлари хариди учун мактаб бо-зорларига ошиқаяптилар.

Савол беринг, жавоб берамиз

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР ҚАНДАЙ ОШИРИЛАДИ?

Шу йилнинг 1 августидан иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори оширилади. Илтимос, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу ҳақдаги фармонишни бажариш жараёнида пенсия ва ижтимоий нафақалар қандай қайта ҳисоб-ланишини тушунириб берсангиз?

Ҳошим Асадуллаев,
Зангиота тумани, Эшонқул қишлоғи.

Бу саволга Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳо-вафаси бўлишига ўрин-босари Камолиддин Усман-боев жавоб беради:

– Маълумки, 2009 йил 8 июлда Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг "2009 йилнинг 1 августидан бош-лаб иш ҳақи, пенсиялар, сти-пендиялар ва ижтимоий на-фақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унинг 1-бандига мувофиқ бюджет ташкилотла-ри, корхона ва муассасалар ходимларининг иш ҳақлари, пенсия ва ижтимоий нафақа-лар, стипендиялар миқдорла-ри ўрта ҳисобда 1,25 баро-бар оширилиши белгиланган. Шунга асосан, пенсия ва иж-тимоий нафақалар қайта ҳисобланмоқда. Бу жараёнда бир неча жиҳатлар алоҳида назарда тутилган.

Биринчи жиҳат Ўзбеки-стон Республикаси "Фуқаро-ларнинг давлат пенсия таъ-миноти тўғрисида"ги Кону-ни билан тайинланган пен-сияларнинг оширилишига тааллуқли. Маълумки, ўшбу қонуннинг 25-моддасига асосан пенсия миқдори уч қисман иборат. Улар пен-сиянинг таянч миқдорлари, иш стажини ҳисоблаган ҳис-собида 20 фоизга оширили-ди. Шу боис аввал энг кам

ладиган устамалардан таш-кил топан.

Қонуннинг 26-моддасида пенсиянинг таянч миқдорла-ри ёшга доир, 1- ва 2-гuruh ногиронлиқ бўйича тўлиқ пен-сия учун расмий белгиланган ёшга доир энг кам пенсия-нинг 100 фоизи миқдориди. 3-гuruh ногиронлиқ ва оила-нинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёшга доир энг кам пенсиянинг ка-мида 50 фоизи миқдориди, ота-онасидан жудо бўлган (ичи етим) болалар ёки ва-фот этган ёлғиз она болала-рининг ҳар бирига ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фо-изи миқдориди белгиланиши назарда тутилган.

Шу сабабли янги коэффи-циентлари кўллаб қайта ҳи-собланган пенсиялар белги-ланган энг кам миқдорга ет-маса, пенсиянинг таянч миқ-дори пенсия тури бўйича бел-гилаб қўйилган энг кам миқ-дорга етказилади.

Энди энг кам пенсиялар-нинг оширилиши ҳусусида. Маълумки, Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Фар-мони билан белгиланган ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори аввалгисига нис-батан 20 фоизга оширили-ди, 66 миң 660 сўмга етказил-ди. Шу боис аввал энг кам

миқдорда белгиланган бундай пенсиялар ҳам 1,20 баробар-га ошди. Қонуннинг 31-мод-дасига биноан пенсиянинг ҳисоб-китоби қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз ҳис-сасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи инобатга олинади. Чун-ончи, бу қайта ҳисоблашда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг 8 ҳисса-си билан чегарланилади. Масалан, 33 645,8 = 269 160 сўм ўртача ойлик иш ҳақи-дан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ана шунларга асосланиб, энг кам пенсия олувчилар-нинг пенсиялари 1,20 баро-барга, ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг 8 ҳиссаси билан чегарлан-ган пенсия ишлари 1,20 ба-робарга (269 160/224 320) ошди.

Юқорида кўрсатиб ўтил-гандан бошқа ҳолларда пен-сиялар миқдори пенсия иши-да мавжуд ойлик иш ҳақлари ва меҳнат стажига боғлиқ ра-вишда 1,20 баробардан 1,25 баробаргача ошди.

Иккинчи жиҳат "Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъ-миноти тўғрисида"ги Конун қоидалари билан боғлиқ. Ўшбу қонун асосида пенсия олаётган уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга, иш стажининг да-вомийлигидан қатъи назар, 1- ва 2-гuruh ногиронлиқ пен-сияси ўртача ойлик иш ҳақ-ининг 75 фоизи, аммо энг кам ёшга доир пенсиянинг 150 фоиздан кам бўлмаган, 3-гuruh ногиронлиқ пенсия-си эса, ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, аммо энг

кам ёшга доир пенсиянинг 75 фоизидан кам бўлмаган миқ-дорда туланади. 1-гuruh (ёлғиз ашоччи 2-гuruh) уруш ногиронларининг пенсиясига энг кам ёшга доир пенсия-нинг 100 фоизи миқдориди қараб турилиш қўшимчаси белгиланади. Ишламайдиган 1- ва 2-гuruh ногиронлари-нинг пенсиясига ҳар бир меҳ-натга лаёқатсиз оила аъзоси учун энг кам ёшга доир пен-сиянинг 50 фоизи миқдори-да устама берилди.

Пенсия миқдори энг кам ёшга доир пенсия миқдorigа узвий боғлиқ бўлганлиги ту-файли энг кам пенсиялар ва 8 ҳисса энг кам иш ҳақидан ҳисобланган пенсиялар фақат 1,20 баробаргача ошди. Қолган ҳамма пенсиялар ҳисоблаб чиқилган янги ўрта-ча бир ойлик иш ҳақидан ҳисобланади ва 1,20 баро-бардан бошлаб 1,25 баро-баргача ошди.

Учинчи жиҳат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги Фармони билан жорий этил-ган уй-жой коммунал хизмат-лар ҳақидаги тўлаш бўйича бе-риладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари миқдорининг оширилиши бил-лан боғлиқ. Бу тўловлар фу-қароларнинг тоифасига қараб энг кам ойлик иш ҳақининг 18 ёки 45 фоизи миқдориди тайинланиши белгилаб қўйил-ган. Шу сабабли, бу компен-сация пул тўлови миқдори ҳам энг кам ойлик иш ҳақининг ошishiга мутаносиб равишда 1,20 баробарга (33645/28040) ошди.

қулайлик бўлиши билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъмин-лашга хизмат қилмоқда.

Байрамлар арафасида пойтах-тимиз бўйлаб бу ишларга эъти-бор янада қўйилди. Ҳаракат хавфсизлиги қоидалари билан боғлиқ йўл белгилари, хавфсиз-лик воситалари, ётиқ чиқишлар яна бир бор кўридан ўтказилди.

Чунки йўл қоидадини барча яхши билиши ва уларга тўла амал қи-лиши зарур. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари нафақат кўчаларда транспорт во-ситалари ва пидедаларнинг хавф-сизлиги қоидаларига риоя этиши-ни назорат қилиш билан машғул, балки ўқув муассасаларида, жа-моат жойларида, маҳалла, корхо-

БУНИ САЁХАТ ДЕСА БЎЛАДИ

"Балтика" савдо брен-ди томонидан ўтказилган "Болтик денгиздаги таъ-тил" акцияси қилиш имкони-ятига эга бўлишди. Ўшбу акция "Carlsberg Uzbekistan" компанияси ташаббуси билан Тош-кент шаҳри ва вилояти-мизда 4 ой давомида ўтказилди.

Тадбирда 13 миң 485 қизиқувчи анкета суровно-масига жавоб беришди. Унга қўра, махсус савдо дўконларига "Балтика № 3 Классическое", ва "Балтика № 9 Крепкое" пиволари-нинг қопқоқларини келти-ришлари зарур эди.

Акция давомида 11 миң иштирокчи турли совғалар-га эга бўлишди.

Мана, ниҳоят, танловнинг асосий совринини топи-риш пайти етиб келди. Энг бахтли иштирокчилар номи эълон қилинди: улар Руслан Журавский, Муҳиддин Хайриддинов ва Тимур Назаровдир. Қувонарлиси шундаки, Муҳиддин Хайри-динов Қўрай туманидан.

Ғолиблар Санкт-Пете-бург шаҳридаги "Балтика" компаниясида азиз меҳмон бўлишди. Улар учун Рос-сиянинг гўзал шаҳарлари, Эрмитаж, Петергоф каби диққатга сазовор жойларга ҳамда энг асосийси, денгиз-га антика савҳат уюштири-лади.

"Carlsberg Uzbekistan" компанияси бундан кейин ҳам ишчибозларга кўпбашли қизиқари акциялар уюшти-риш ва совғалар тақдим этишни мўлжаллаган.

Хурида НАЗАРОВА.



ГУЛБАҲОРДА ЯНГИ ИНШООТ

Ҳар тонг бизни байрамолди хушхабарлари билан сийламоқда. Мамлакатимиз мустақилли-гининг 18 йиллиги яқинлашиб келгани сари бу жараён тобора жадаллашаётир. Чунончи, кунги кеча Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчасидаги "Аҳил" маҳалласида яна бир янгилик юз берди.

Бу ерда ичимлик суви қудуғи қазилиб, электр на-соси ўрнатилди, 800 метр асосий ва хонадонлараро бошқа қувурлар тортилди. Натижада 670 хонадонда истикомат қилувчи 3160 киши тоза ичимлик суви билан таъминлана бошла-ди.

Бу йирик лойиҳа "Эко-сан" халқаро жамоат жам-гармаси, Ижтимоий ташаб-бусларни кўллаб-қувватлаш жамгармаси – ФОПСИ ва Туркиянинг Халқаро ҳам-корлик агентлиги – ТИКА-нинг молиявий ҳамкорлиги асосида амалга оширилди. Умуман, бу саъй-ҳаракат-

ларга 52,8 миллион сўм маблағ сарфланди.

Янги ичимлик суви иншо-отини фойдаланишга топ-тиришга бағишланган тан-танали маросимда туман ҳокими Наримон Хайитқулов, "Экосан" халқаро жамоат жамгармаси бошқаруvinинг раиси Наримон Умаров, ТИКАнинг Ўзбекистондаги ва-колатхонаси раҳбари Демир Бекер, ФОПСИ лойиҳалар амалиёти директори Элёр Аббосов иштирок этишди.

Жўрабек МУРОДОВ.
СУРАТА: маҳаллага сув келди.

Надежда ЛИ олган сурат.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА

АМАЛ ҚИЛИШ – ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИГА ТАРОВИ



минлаб, йўл-транспорт ҳодиса-ларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир. Янги нус-хадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳ-номалари ва талони, шунингдек, янги миллий давлат рақами бел-гилари жорий этилгани халқаро андозалар талабига тўла мос ке-лади.

Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва раволигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тад-бирлар ҳам ҳаракат хавфсизлиги-ни таъминлашга қаратилган. Йўл ҳаракати қоидаларига оид белги-лар ёрқинроқ акс эттирилган. Бу фуқароларимизга яратилган

Аниқланган камчиликларни барта-раф этиш чоралари кўрилмақда. Жумладан, кўчаларга тўрт юзга яқин янги йўл белгилари ўрнати-либ, тўрт миңга яқини таъмир-дан чиқарилди. Марказий кўчалар-га янги русумдаги светофорлар ўрнатилди. 93 миң квадрат метр жойга нейтробуёқда, 6,5 миң квадрат метр жойга термопластик-да ётиқ чиқишлар қилинди.

Айни пайтда йўл ҳаракати хавф-сизлигини таъминлашда нафақат ҳайдовчилар, балки пидедалар, айниқса, болалар ўртасида про-филактик тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

на ва ташкилотларда кенг қўла-ми тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда.

Болаларнинг қизиқишларини инобатга олиб, мактабларда "Ҳаракат хавфсизлиги ёш инспек-торлари" клублари, "Ёш автона-зоратчилар" гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, "Диққат, болалар!", "Таътил", "Диққат, пидедалар!", "Яшил чирок" каби тад-бирлар ёшларга йўл қоидалари-ни қизиқарли мисоллар билан тушуниришда қўл келмоқда.

Аммо шунга қарамай, йўл ҳара-кати хавфсизлиги қоидаларига белгисан муносабатда бўлиш ҳол-

лари ҳам йўқ эмас. Йўлларда транспорт воситалари қатнови йилдан-йил гавжумлашиб бораёт-гани йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш-ни тақозо этади. Гоҳ ҳайдовчи, гоҳ пидедалнинг айби билан турли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани ҳам ана шу қоидалар-га амал қилмаслик, масъулиятсиз-лик натижасидир. Баъзи ҳайдов-чилар рулга ўтирар экан, нафақат ўзи, балки машина салонидидаги бошқа кишилар, ён-эртрофдагилар ҳаёти учун ҳам масъул эканини ҳуқуқ ҳис этмайди. Шу йилнинг ўтган даврида шаҳримизда 730 миңдан зиёд қоидабузарлик аниқлангани ҳам бунга тасдиқла-ди. Вақтида қўрилган чора-тад-бирлар тўғрисида қанчадан-қанча йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинди.

Кейинги пайтда бошқармаи-з томонидан чоралар, транспорт қатнови тигиз йўллари назорат қилишга алоҳида эътибор қара-тилмоқда. Кўчаларнинг муайян қисмларига бириктирилган масъ-ул шахслар масъулиятини мунта-зам ошириш яхши самара бермоқ-да. Шу йилнинг ўтган етти ойи давомида йўл-транспорт ҳодиса-лари сони ўтган йилнинг шу дав-ридагига нисбатан 255 тага камай-гани бунга тасдиқлайди.

Йўлларда инсон ҳаёти, хавф-сизлигини асраш – соҳа ходим-ларининг бош мақсоди. Сайё-ҳаракатларимиз самарадорлиги кўп жиҳатдан бутун жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг бу ишларда-ги фаол иштирокига ҳам боғлиқ-дир.

ЎЗА мухбири Норгул
АБДУРАИМОВА ёзиб олди.

Диққат, танлов!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш максатида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёриштирилиши таъминлаш, журналистларнинг ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш максатида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги иқидий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотихорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўллаб-қувватлаш истида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга 2009 йилнинг 1 январидан 2009 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул

қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Иқидий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Ҳолибар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, маҳали мухассас экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топан жори хайъати томонидан аниқланади.

Танлов қўллаб-қувватлаш мукофотлари

Ҳолибар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Материаллар

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги иқидий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2009 йил 5 декабрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mfmf.uz, e-mail: mfmf@uzrak.uz, mfmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита.

«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ!»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалат» болалар ташкилоти оммавий ахборот воситалари, энг аввало ёшлар ва болаларга қаратилган даврий нашрлар, интернет-порталлар ва сайтлари республикаимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воғга этиши йўлида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар, уларнинг ҳаёти, ўқиш, ишлари, ютуқ, муваффақиятлари, муаммолари ҳақидаги тазкира, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий материаллар билан боғлиқ, ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш максатида мамлакатдаги ёшларга ихтисослашган барча газет ва журналлар, интернет порталлар ва веб-сайтлар, 30 ёшгача бўлган барча журналистлар ва ихид бўлган шугуллаётган талаба ёшларни «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» деб номланган иқидий танловда иштирок этишга тақдир қилади.

Танлов шартлари

Танловда мамлакатда рўйхатга олинган мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига ихтисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар, веб-сайтлар, шунингдек, 30 ёшгача бўлган ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган ёшлар билан ҳамкорлик қилувчи иқидий корпоратив қўшунларнинг журналистика факультетлари талабалари иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этилган материаллар 5 тадан кам бўлмаган шарт. Танловга юборилган иқидий ишлар тақдир қилинмайди ва қайтариқмайди.

Ҳолибарни аниқлашда тахрирлар фаолиятини ёшлар ва болалар ўртасида оммавийлиги, мавзунинг ёшлар ҳаётида тугатган ўрни, долзарблиги, профессионал маҳорат, тил ва услубий ори-

гиналий асосий мезон ҳисобланади.

Танлов икки йўналишда ўтказилади:

1. Ёшлар ва болалар йўналишига ихтисослашган энг яхши босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-сайтлар тахрирлари учун.
2. Ёш журналистларнинг босма ОАВ ва интернет тармоғида чоп этилган ёшларнинг ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воғга этишига қаратилган материаллари учун.

Танловга 2009 йил 25 декабрга қадар чоп этилган материаллар қабул қилинади.

Танлов қўллаб-қувватлаш мукофотлари тақдирланади.

Танлов номиницилари:

Тахрирлар йўналиши бўйича:

- энг яхши ёшлар газети/журнали;
- энг яхши болалар нашри;
- энг яхши талабалар газетаси;
- ёшларнинг энг оммавий портали, веб-сайти/факси.

Ёш журналистлар йўналиши бўйича:

- энг яхши репортаж;
- энг яхши фоторепортаж;
- энг яхши интервью.

Ҳолибар мукофотлари

Ҳолибар танлов ташкилотчилари томонидан таъсис этилган диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Танлов материаллари ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2009 йил 31 декабрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mfmf.uz, e-mail: mfmf@uzrak.uz, mfmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита.

«Максам-Чирчиқ» ОАЖ ички аудит хизматида бўшаб қолган аудитор ўринларига танлов эълон қилади.

Номзодлар:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган ва айни пайтда амалда бўлган аудиторлик маҳаласи ҳақидаги сертификат;
- қамда икки йиллик аудиторлик иш тажрибасига эга бўлишлари керак.

Маълумот учун телефонлар:
(+9987071) 5-37-61, 9-45-11.

Утпета тумани (аввалги А. Икромов тумани) ҳокимияти 2000 йил 16 майда № 562-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган «ANVAAR-GAZ» ҳуқуқий корхонаси (ИНН 201219234) ҳуқуқий мулкчилик шакли «ANVAAR-GAZ» масъулиятликланган жамиятига ўтказиётганлигини эълон қилади.

Тошкент вилоят Давлат педагогика институтини томонидан 2004 йилда Тойчиев Меҳметхоннинг номига берилган В № 174799 рақамли бақалар дипломи йўқлигини сабабли **БЕКҚОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерьяне свидетельство (Гувоҳнома) № 001118 от 25 августа 2003г., выданный хокимиятом Чиланзарского района г. Ташкента на ООО «ЛОСЧИРА» (ИНН 201100486), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

| ДУШАНБА 17
 | СЕШАНБА 18

 | ЧОРШАНБА 19
 | ПАЙШАНБА 20
 | ЖУМА 21 | ШАНБА 22 | ЯКШАНБА 23 |

--
--
--
--|--
---|----------|------------|
| <div><div>ЎЗБЕКИСТОН</div><div>6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.05 «Ихбор»
7.15 ТелеТвтр: «Оқибат»
7.55, 18.00 «Олтин мерос»
8.00 «Тахминнома»
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Болалар дунёси»
10.00 «Миллий кино» М/ф.
10.15, 21.00 «Қирол Сежон» Т/с.
10.55, 17.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот»
11.10 2009 йил — Қишлоқ тарқиқети ва фаровонлиги йили.
11.30 «Аёл бахти»
11.50 «Оқу»
13.00 Миллий кино: «Хотира рақиси»
14.20 «Ватанпарвар»
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тендер»
15.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги: «Истиқлол фарзандлари»
16.15 «Бир кун»
16.40 «Икки дарё оралиғида»
17.15 «Ҳаёт ва кунин»
17.35 «Эртақлар — яхшиликка етаклар»
18.05 «Турмуш чорраҳаларида»
19.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қушлар»
19.00 Тошкент - 2200. «Бойки Тошкент»
19.20 «ТВ - шифокор»
20.05 Серил «Туташ тақдирлар»
20.45 «Ватанимни қўлайман»
21.30 «Парламент вақти»
22.45 «Шумтақа Деннис» Б/ф.</div><div>YOSHLAR</div><div>6.55 «Yoshlar» салони.
7.00, 14.30 «Ёшлар майдони»
7.30, 18.05 «Чархпалак» Т/с.
8.15, 11.45 «Ўзбек адабиёти»
8.20 «Ўзбек адабиёти»
8.40 «Ўзбек адабиёти»
9.00, 21.00 «Шероқар» Т/с.
9.50, 12.50 «ЎзЕХ»
9.55 «Тошкент-2200»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр»
10.10, 13.10, 16.10 «Даврнинг боласи»
10.20 «Китоб — оғибот»
10.30 «Астерикс» М/ф.
11.50 «Жаҳон операси»
12.00 «Футбол-2009»
12.20 «Ранглар фарзандлари»
12.55 «Истиқлол шукри»
13.20 «Мультипанорама»
13.30 «Қишлоқ ва таълим»
13.40, 19.30 «Тонгги шудринг» Т/с.
15.00 «Ватанпарвар»
15.40 «Тошкент мушоираси»
15.45 «Келажак эгалари»
15.55 «18 ёшнинг мушоираси»
16.20 «Миллий мултифильм»
16.30 «Тошкент мушоираси»
17.20 «Нафосат олами»
17.30 «Автоматлар»
17.50 «Тошкент таронаси»
18.50 «Ватан меҳри»
20.20 «Парламент вақти»
21.50 «Кўнги»
22.30 Б/ф «Муҳаббат синовлари-2»
00.20 «Юрт тинчилиги»</div><div>TOSHKENT</div><div>7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Қизилқунаш меймунча» М/ф.
9.50, 17.45 «Карвонсарой»
10.00, 14.55 «Тошкент-2200»
10.05 «Душқузда ҳудуд» Б/ф.
12.35 «Саргузаштлар олами»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00, 18.30, 20.00, 21.30 «Поитак»
15.20 «Қусто командасининг сувоисти саргузаштлари» Д/ф.
16.15 «Будите здоров!»
16.25 Ёғи тавтил кунларида: «Бахт гуллари» Б/ф.
17.25 «Тошкент-2200»
17.30 «Муза амакининг ҳикоялари» М/ф.
17.45 «Карвонсарой»
17.55, 21.55 «Телекурьер-маркет»
18.15 «Кунин дорисасида»
18.50 «Муҳаббат қаваси» Т/с.
19.40 Бизнес-«Поитак»
19.45 «Истеҳдод»
20.25 «Аниқ ёлгон» Т/с.
21.10 «Тошкент шакрининг 2200 йиллиги: «Менинг маҳаллам»
21.25 «Уйларим»
22.15 «Кино SMS со звездами»
22.20 «Хитрий вор» Х/ф.</div><div>SPORT</div><div>7.00 «Бодро утпро»
7.50 «Тет-а-тет»
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар»
8.25 «Малахов +»
9.05 «Дангасалар шаҳарчаси»
9.55 «Спорт — менинг ҳаётим»
10.20 «Футбол шарҳи»
10.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги.
11.10, 18.55 Ёғил атлетика.
12.10, 23.40 Интерфутбол.
13.00, 19.00 Prime time.
8.00, 18.30 Серил «Жасига ҳушайи йўқ»
9.30, 21.00 Серил «Притворшиқ»
11.30 «Нас двоє» Х/ф.
15.00 Мултифильм.
15.35 Серил «Тайни Смол-виля»
17.30 Премьера.
22.00 «Последнее желание» Х/ф.
23.40 Миксер.</div><div>СофТС</div><div>8.00, 17.35 Серил «Кадетство»
8.50, 12.40, 19.15, 20.10 Серил «Папины дочки»
9.20, 13.50 «Мир в твоей тарелке»
9.10, 14.40 «Как ухидили ку-миры»
11.00, 16.20 «На куи и цвети»
11.25, 16.45 «Время кассети»
11.50 «Домашняя энциклопедия»
12.15, 20.40, 22.20 «6 кадров»
13.10, 22.45 Музыка.
15.30, 21.05 Серил «Рыжак»
17.10 «Модная прививка»
18.25 «Галилео»
18.50 «Незд»
19.45, 21.55 «История в деталях»</div><div>Утерьяные план дома и договор и др. документы на квартиру по адресу: Ц-5, д. 72, ка 5, выданный БТИ Юнусбадского района г. Ташкента на имя Юнусова Журабека Эргашевича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.</div><div>Янгийул туманидаги 13- умумий урта мактабда Бахтиёр Сойунбаевни Тожибеов номига берилган О'Р - G 0034444 ракамли шаходатнома йўқланганлиги сабабли БЕКОР КИЛИНДИ.</div></div> <tr><td><div><div>ЎЗБЕКИСТОН</div><div>6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.05 «Ихбор»
7.15 ТелеТвтр: «Оқибат»
